## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1089-ҳадис

1089/2444 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ الله عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم: «انْصُرْ أَخَاكَ ظَالِمًا أَوْ مَظْلُومًا». قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، هَذَا نَنْصُرُهُ مَظْلُومًا، فَكَيْفَ نَنْصُرُهُ ظَالِمًا؟ قَالَ: «تَأْخُذُ فَوْقَ يَدَيْهِ».

1089.2444. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биродарингга золим бўлганида ҳам, мазлум бўлганида ҳам ёрдам бер»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мазлум бўлганида-ку бунга ёрдам берамиз, золим бўлганида қандай ёрдам берамиз?» дейишди. У зот: **«Унинг қўлини** (зулмдан) **тутасан»**, дедилар».

**Золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам биродарингга ёрдам бер**

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI